Касаба уюшма тадбири








# «МЕҲРЖОН»ДА УЧ КУН

Ўрта Чирчиқ туманидаги сўлим ва баҳаво масканда жойлашган «Меҳржон» болалар оромгоҳи уч кун мобайнида ўзгача гўзаллик кашф этди. Республика енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган тадбирлар чин маънода санъат байрамига, меҳр-саховат намойишига айланди. Дилрабо куй-қўшиқлар нозокатли рақсларга уланиб, кўнгилларда ажиб туйғулар уйғотди. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган бадиий жамоалар — 2-республика кўрик-танлови иштирокчилари ўз иқтидорларини намойиш этдилар. Айниқса, Фарғона, Андижон, Тошкент, Қашқадарё, Самарқанд вилояти бадиий жамоаларининг чиқишлари катта таассурот қолдирди.

— Яхши куй-қўшиқда миллат қалби, юрт кечмиши, халқнинг орзу-умидлари акс этади, - дейди тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси раиси Маъмура Одилова. - Тадбирдан кўзланган мақсад соҳа ходимлари орасидан янги номлар, янги истеъдодларни кашф этиш, одамлар руҳиятини кўтариш, уларни эзгу ишларга даъват этиш эди ва ўйлайманки, бунга эришилди.

Санъат байрамида уюшқоқлик билан қатнашган бадиий жамоалар диплом, фахрий ёрлиқ ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар. Шу билан бирга, «Энг уюшқоқ гуруҳ», «Энг қувноқ гуруҳ», «Энг чиройли саҳна безаги», «Энг ёш ижрочи», «Энг кекса ижрочи», «Энг истеъдодли ижрочи», «Юксак саҳна маҳорати учун» каби махсус совринлар ҳам ўз эгаларига топширилди.

Шунингдек, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан соҳада узоқ йиллар ҳалол меҳнат қилиб, айни кунда кексалик гаштини сураётган 76 нафар нуроний қариялар «Меҳржон» оромгоҳига таклиф этилди. Уларга алоҳида ҳурмат, эъзоз кўрсатилиб, тиббий кўрикдан ўтказилди, мириқиб дам олишлари, саломатликларини тиклашлари учун барча шарт-шароитлар яратилди.

Тадбир давомида фахрийлар иштирокида савол-жавоб кечалари, учрашувлар, «Тошкент денгизи»га саёҳатлар уюштирилди. Совға-саломлар тақдим этилди.

— Бир вақтлар бирга ишлаган қадрдонлар билан учрашиб, дилдан суҳбатлашиш қанчалик мароқли, - дейди Бухородан ташриф буюрган меҳнат фахрийси Антонина Наумкина. - Ҳурмат-эҳтиром учун биз фахрийлар тадбир ташкилотчиларидан ғоят миннатдормиз.

Тармоқ ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитасининг 10-раёсат мажлиси ҳам айнан шу ерда бўлиб ўтди.

**А.НАБИЕВА.**
**И.ҲАСАНОВ олган суратлар.**







*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
**ФАРМОНИ**

## КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Боши 1-бетда)

4. Мувофиқлаштирувчи Кенгаш 2002 йилнинг 1 октябрига қадар:

2003-2010 йилларда телекоммуникация ва маълумот узатиш миллий тармоғини ривожлантириш дастурини;

2003-2010 йилларда давлат бошқарувида электрон технологияларни жорий этиш дастурини;

2010 йилгача бўлган даврда электрон тижоратни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги этиб қайта ташкил этилсин ҳамда унга қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этиш юклансин:

маҳаллий, шаҳарлараро, халқаро телефон-телеграф ва почта алоқаси, матбуот тарқатиш, маълумот узатиш тармоқлари, шу жумладан Интернет, радиоалоқа, радио эшиттириш ва телевидение тармоқларини барпо этиш, фаолиятини йўлга қўйиш ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги стратегик устувор йўналишларни рўёбга чиқариш;

почта алоқаси тизими фаолиятини бошқариш, телекоммуникациялар ва ахборот узатиш тармоқларини ривожлантиришни давлат томонидан бошқариш, ушбу соҳаларда рақобат муҳитини вужудга келтириш, тегишли фаолият турларини лицензиялаш;

ахборот тизимлари, телекоммуникациялар ва маълумот узатиш тармоқларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш учун шароит яратиш;

замонавий халқаро стандартларни жорий этиш, телекоммуникация ва ахборот технологияларига оид маҳаллий стандартларни, техник шартлар ва талабларни ишлаб чиқиб, уларни тасдиқлаш;

ахборот ресурслари бозорини ривожлантириш, давлат бошқаруви, бизнес, соғлиқни сақлаш, фан ва таълим соҳаларида, шунингдек жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ахборот алмашувнинг электрон шаклларига ўтиш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ташкил қилиш.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг ишчи органи этиб белгилансин.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги 2002 йилнинг 1 августига қадар йирик хорижий ва маҳаллий компьютер ҳамда ахборот компаниялари билан биргаликда Компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш марказини ташкил қилсин.

6. Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари жамғармасининг номи Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бюджетдан ташқари жамғармаси деб ўзгартирилсин.

Бюджетдан ташқари жамғармага маълумот узатиш тармоқлари ва ахборот технологияларини ривожлантириш соҳасидаги устувор лойиҳалар ва илмий-тадқиқот ишларини маблағ билан таъминлаш вазифаси юклансин.

7. Тошкент электротехника алоқа институти Тошкент ахборот технологиялари университетига айлантирилсин.

2002/2003 ўқув йилидан бошлаб Тошкент ахборот технологиялари университетида дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш, тармоқ технологиялари, кўчма радиотелефон алоқаси, электрон тижорат ва ахборот хавфсизлиги соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланиши назарда тутилсин.

8. 2006 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга:

республикага олиб келинаётган компьютер маълумотларини узатиш тармоқларини барпо этишга мўлжалланган асбоб-ускуналар, компьютер техникаси ва унга бутловчи буюмлар, шунингдек дастурий воситалар божхона тўловларини (божхона расмийлаштириши учун йиғим бундан мустасно) тўлашдан;

компьютер ва ахборот технологияларига ўқитиш бўйича хизматлар, дастурий воситаларни сотиш, шунингдек уларга сервис хизматлари кўрсатиш қўшилган қиймат солиғидан озод этилсин.

9. 2002 йилнинг 1 июлидан бошлаб дастурий воситалар ишлаб чиқариш, компьютер техникаси ва дастурий воситаларга сервис хизматлари кўрсатиш, аҳолига компьютер техникасида ва ахборот технологиялари билан ишлашни ўргатиш юзасидан хизмат кўрсатиш бўйича ихтисослашган ташкилотларга (уларнинг катта-кичиклигидан қатъи назар) ягона солиқ тўлаш тартиби татбиқ этилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда манфаатдор идоралар билан биргаликда амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан қарор қабул қилсин.

12. Мазкур Фармон матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 30 май

*Газетамизнинг шу йил 29 май сонида эълон қилинган хабар — «Чинобод» санаторийси ОТАЖ Кузатув кенгаши акционерларнинг умумий йиғилиши 2002 йил 28 июнда ўтказилишини маълум қилади, деб ўқилсин.*

# ЧИНОР

Денов туманидаги Солижон Отабоев номли ширкат хўжалигида Йўлдош қори Тошматовни кўпчилик қариялар яхши эслашади. Бу табаррук отахон 1932 йилдан 1950 йилгача хўжаликни бошқариб, элнинг оғирини енгил қилган.

— Ўша пайтларда раҳбарлик қилишнинг ўзи бўлмасди, — дейди меҳнат фахрийси Қарши бобо. — «Хўжаҳаёт» қишлоғи атрофи катта тўқайзорлардан иборат эди. Раис ана шу тўқайзорларни ўзлаштириб, буғдой, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари эктирди. Яхши кунлар келишига одамларни ишонтирди. У кишидан яхши хотира ва солиҳ фарзандлар қолди.

*Қадр*

Маматқул Тошматов ҳам Йўлдош қорининг фарзанди. Ёшлари 63 да бўлсада, ҳамон сафда. У киши Солижон Отабоев номли ширкат хўжалигида кўп йиллардан буён касабақўм раиси. Халқ дардини ўзиники деб билгани учун хўжаликда ҳурмати баланд.

— Маматқул ака бизларга жонкуяр устоз, — дейди хўжалик раиси Зокир Орипов. — Шунинг учун ҳам касабақўм хонаси одамлар билан доим гавжум. Бирор юмуш билан келган киши авваламбор касабақўм раисига учрайди. У кишининг хонасидан одамлар яхши кайфият билан чиқиб кетаётганларининг кўп бор гувоҳи бўлганман. Кўпни кўрган, эл ишидан чарчамайдиган устоздан мен ҳам кўп нарса ўрганяпман.

Хўжаликда ҳозирги кунда 484 гектар пахта, 348 гектарда эса ғалла майдони бўлиб, 450 нафар пайчи меҳнат қилмоқда. Ўтган йили ғалла ва пахта режалари ошиғи билан бажарилгани ҳисобидан хўжалик 16 миллион сўм даромад кўрди.

— Бу йилги ҳосил ҳам ёмон эмас. Насиб қилса, буғдойдан юқори ҳосил оламиз, — дейди Маматқул ака. — Деҳқонларни ерга бўлган меҳри ўзгача. Биз ҳам қараб турганимиз йўқ. Хўжаликдаги 10 та дала шийпони қайта таъмирланди. Иссиқ овқат ташкил этилди. Маҳсулотлар эса деярли ҳаммаси ўзимиздан чиқмоқда.

Шу ерда эшитдик. Олинган даромадлар ҳисобидан хўжаликда ишловчиларни электр энергияси учун 360 минг сўм, томорқа солиғи учун 583 минг, газ учун 690 минг сўм кераклі ташкилотларга ўтказилишида ҳам касабақўм етакчисининг хизмати катта.

Бундан ташқари, Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан хўжаликда кўп йиллар меҳнат қилган отахонлардан Муҳиддин Раҳматқулов ва Тожиали Ориповлар «Хазарбоғ» санаторийсига бепул йўлланма билан таъминланди. Касаба уюшма қўмитаси ва хўжалик ҳисобидан 9 май куни 200 нафардан ошиқ қарияларга бир пиёла чой ташкил этилиб, совға-саломлар тақдим этилди.

Хўжаликда спортни ривожлантириш, ёшларни жисмоний соғломлаштиришда ҳам касаба уюшмаси бош-қош бўлмоқда. Таъмирдан чиқарилган ўйингоҳ ҳамиша ёшлар билан гавжум. Хўжалик футбол жамоасининг туманда мухлислари кўп. Яқинда касаба уюшмасининг саъй-ҳаракати билан Маданият уйи ва 2 та кутубхона қайта таъмирланди.

Яхшилик яхшиликка элчи, деганларидек, хўжаликда бўлган кунимиз хушхабар устидан чиқдик. Кумуштола ижодкорлари давлатга пилла сотиш режасини 137 фоизга бажаришган экан.

**Тўлқин ЖАЛИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

# ОРОЛБЎЙИНИНГ ЯШИЛ ҚАЛҚОНИ

(Боши 1-бетда)

Бошқарма тасарруфида 14 та ўрмон, 2 та овчилик хўжалиги, 1 та қўриқхона бор. 6774 гектарлик яхлит чўлни эгаллаган Бадайтўқай қўриқхонасида Бухоро буғуси, ёввойи чўчқа, эчки, бўри, тулки, қуён, бўрсиқ каби ҳайвонлар кўпайтирилмоқда.

Тахтакўпир, Қораўзак, Чимбой, Қозоқдарё, Мўйноқ, Қўнғирот сингари ҳудудларда жойлашган ўрмон хўжаликларида 24 минг гектар майдонда саксовул, черкас, қандим ўстирилмоқда. Бу йил 45 гектар ерда иҳотазорлар учун ниҳоллар ўстирилиб, 9 миллион туп кўчат олиш мўлжалланяпти.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида Президентимиз аҳолининг чорвачилик соҳасидаги бой тажрибасини ҳисобга олиб, сув таъминоти қийин бўлган туманларда чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари ташкил этиш, бўрдоқичилик мажмуаларини қайта тиклаш, мустаҳкам озуқа базаси яратиш кераклигини алоҳида таъкидладилар. Ўрмончилар барпо этган 170 минг гектар иҳотазорлар ана шундай ем-хашак манбаи бўлиб хизмат қилади. Чунки, дарахтлар соясида изен, чўгон, кируюк, боямиш, елен каби чўл ўтлари баравж ўсади. Фақат артезиан қудуқлари қазиш орқали экинларни суғоришни йўлга қўйиш керак.

Яна бир жиҳат. Дарахтларга вақти-вақти билан шакл бериб турилади. Буташ пайтида олинган ёғочлардан яшиклар, стол, стуллар, уй-рўзғор буюмлари ясаш мумкин. Бир йилда 2 минг куб ёғоч тайёрланиб, 22 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариляпти.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг саноат теракчилигини ривожлантириш тўғрисидаги қарорини бажариш тадбирлари белгиланган. Воҳанинг Бўзатов, Нукус, Хўжайли, Амударё, Беруний, Тўрткўл туманларида 774 гектар теракзор яшнаб турибди.

Ўрмонлар доривор ўт-ўланларга макон. Тиббиётда ишлатиладиган ширинмия ўсимлигидан 40 тонна тўпланиб, 2 миллион 400 минг сўмга сотилди. Бунинг учун «Бойтерак» кичик корхонаси тузилди. 2002 йилда 100 тонна доривор гиёҳлар тайёрлаш кўзда тутилган. Қипчоқ ўрмон хўжалигида 5 гектар майдонга юрак-қон томир касалликлари учун даво бўладиган наъматак ўстирилиб, тиббиёт ва фармацевтика корхоналарига етказиб беріляпти.

Оролбўйининг бепоён ўрмонзорларида кечаю кундуз ҳаёт қайнайди. Бош ўрмончи Кўпайсин Шагиров, Тахтакўпирдан Зарнигул Уписова, Эрайим Болғабоев, Бўзатовдан Дўйсенбой Бекбаулиев, Алламбергим Хўжаниёзов, Нукусдан Қурбонбай Ортиқбоев, Қаллигул Абдикамилова каби ишчилар ўрмонларни кўпайтириш, кўчат ўстириш ва экиш, иҳотазорлар барпо этиш, кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш юмушларида фаоллик кўрсатмоқдалар.

Ўрмонлар юрт бойлиги, атроф-муҳит муҳофазаси асримизнинг энг муҳим муаммоларидан бирдир. Шу боис ўрмончилар давр талабларидан келиб чиқиб, инсон ва табиат муносабатларини мўътадиллаштириш, яшил оламни кенгайтириш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар. Бу ишга ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшайлик.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**Б.ЭРНАФАСОВ,**
**«Ишонч» мухбирлари.**

*«Ишонч» фош этади*

***Мамлакатнинг энг катта бойликларидан бири ер ҳисобланади. Зеро, ундан оқилона фойдаланиш мўл-кўлчиликни, иқтисодий ривожланишни таъминлайди. Шунинг учун ҳам республикамизда ерга муносабатни тубдан ўзгартириш мақсадида ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Фермер хўжаликлари фаолиятига кенг йўл очилди. Шунга асосан Пастдарғом туманида ҳам юзлаб фермер хўжаликлари ташкил этилди. Уларнинг аксарияти бугунги кунда қишлоқ хўжалиги тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда. Лекин...***

# ҲИСОБОТДАН ЯШИРИЛГАН ЕРЛАР...

Таҳририятимизга пастдарғомлик Б.Ирисқулов йўллаган шикоят хатида тумандаги «Чортоқ» фермер хўжалигида ердан қонунга хилоф равишда фойдаланилаётгани баён этилган эди. Ушбу долзарб масалани ўрганар эканмиз, Юртбошимиз халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида баъзи туманларда ер майдонларини ҳисоботдан яшириш ҳоллари мавжудлигини таъкидлаганини эсладик.

«Чортоқ» фермер хўжалиги туман ҳокимининг 1998 йил 11 декабрдаги қарорига асосан ташкил этилган эди. Ҳозир мазкур хўжалик ихтиёрида 40 гектар суғориладиган, 14 гектар лалми ер майдонлари бор. Туман ер ресурслари хизмати бўлими мутахассиси А.Қиличевнинг таъкидлашича, «Навбаҳор» ширкат хўжалиги мутахассиси О.Хўжамбердиев томонидан тақдим этилган 2002 йилда шу ҳудуддаги фермер хўжаликларида экиладиган экин турлари режаси тақсимотида «Чортоқ» фермер хўжалигининг умумий ер майдони 40 гектар эканлиги, шунинг 22 гектарига чигит, 18 гектарига ғалла экилиши кўрсатилган. Бошқа экинлар негадир қайд этилмаган. Ахир, Ўзбекистон шароитида лалми ерларда ҳам деҳқончилик қилинади-ку?!

Масалага чуқурроқ кириб борганимиз сари ажабланарли ҳолларга дуч келдик. Эътибор беринг, «Навбаҳор» ширкат хўжалиги раиси И.Алланазаров ва ер тузувчи О.Хўжамбердиев имзолаган, санаси кўрсатилмаган бошқа маълумотномада «Чортоқ» фермер хўжалиги тасарруфидаги ер майдонларининг 24 гектарига чигит, 18 гектарига ғалла, 5 гектарига беда, 1 гектарига эса сабзавот экилиши маълум қилинган. Шунга асосланиб ҳисобласак, «Чортоқ» фермер хўжалигининг суғориладиган ер майдонлари 48 гектар бўлиб чиқяпти. Бундай фарқни изоҳлаш учун эндиликда собиқ раис Б.Жовбўриев бизга яна бир далолатнома тақдим этди. Уни «Навбаҳор» ширкат хўжалиги бош ҳосилоти (ер тузувчиси) О.Хўжамбердиев, «Чортоқ» фермер хўжалиги раиси Б.Жовбўриев ва аъзолар имзолашган. Далолатномада лалми ерларнинг 8 гектари ўзлаштирилиб, сувли майдонлар ҳисобига ўтказилгани ёзилган. Афсуски, бу ҳужжат қонуний кучга эга эмас. Бинобарин, уни сохта деб ҳисоблаш ҳам мумкин. Сабаби шундаки, биринчидан мазкур ҳужжат санаси дастлаб 16.11.2002 йил деб кўрсатилган, сўнгра 16.11.2001 йил деб ўзгартирилган. Иккинчидан, «Ўздаверлойиҳа» институти томонидан 2000 йилда «Навбаҳор» ширкат хўжалигининг лалми ерлари йўқлама қилинганда «Чортоқ» фермер хўжалигига тегишли ерларнинг бирон гектари ҳам лалми ерлар рўйхатига киритилмаган. Яъни ер харитасида ушбу майдонлар суғориладиган ерлар эканлиги кўриниб турибди. Шуни ҳам айтиш кераки, ерни баҳолаш, яъни лалми ерларни ўзлаштириб суғориладиган ер ҳисобига киритишнинг қонунларда белгиланган тартиби бор. Бу борада ҳеч кимнинг ўзбошимчалик билан иш тутишга ҳаққи йўқ.

Қизиғи шундаки, на Б.Жовбўриевнинг ўзида ва на туман ер ресурслари хизмати бўлимида «Чортоқ» фермер хўжалигини ташкил қилиш, унга ер ажратишга оид дастлабки ҳужжатлар топилмади. Бундай аҳволни нима деб изоҳлашни ҳам билмай қоласан, киши. Ҳар ҳолда «Ер тўғрисида»ги қонунлар бузилгани, ердан қонунга хилоф равишда фойдаланилгани аниқ.

Қисқаси, Пастдарғом туманидаги «Чортоқ» фермер хўжалигига тегишли суғориладиган ер майдонларининг 14 гектари ҳужжатларда лалми ер сифатида қайд этилган, 1999-2001 йиллар мобайнида ҳисоботдан яширилган ва бу майдонлар ҳисобидан яширинча даромад олинган. Бу билан давлатга қанча зарар етказилганини аниқлаб чиқиш мутахассислар ҳукмига ҳавола. Прокуратура идоралари ва Самарқанд вилоят ҳокимлиги ушбу масалага ўз муносабатини билдиради, деган умиддамиз.

**Р.ҚУРБОНОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

**Баҳс-мунозара**

***Тонг юз кўрсатмай бошида ироқи дўппи, атлас кўйлак кийган келинчак ҳовлига фаришта мисол оро бермоқда. У ёруғ ният билан ҳар тонг дарвоза очаётиб, шу катта хонадон, шу оқибатли одамлар билан тақдири уланганини ҳис қилиб, ширин энтикади.***

# ҚИЗИНГИЗ БАЛОҒАТГА ЕТМОҚДА...

Чиннидек супурилган ҳовлига тикилиб, қайнонанинг бахри дили очилади. Елкасига тўн ташлаб, ҳовлига чиққан қайнота келинчакка иқбол тилайди. Ул гўзалнинг малоҳатидан куёв боланинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Ибо билан чой узатаётган, тотли таомлар пишираётган, юриш- туришида нафосат барқ уриб турган келинойисига боқиб қайнсингил пинҳона иш ўрганади.

Ҳа, машойихлар айтганидек, яхши тарбия кўрган қиз нафақат ўз оиласининг, балки жамиятнинг, миллатнинг кўркидир. Негаки, миллат келажаги ана шу қизлар — бўлажак оналар қўлида. Ҳар бир дунёга келган боланинг тарбия мактаби даставвал она қучоғи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам комил инсонни тарбиялаш учун қизларимизнинг ўзлари гўзал тарбия кўрган бўлишлари даркор.

Яхши тарбия кўрган қизлар қурган оила мустаҳкам бўлади. Тарбияли келинчак қайнона-ю қайнотаси, умр йўлдошининг ҳурматини жойига қўяди, рўзғор ишларини камикўстсиз бажариб, улар дуосини олади.

Доно боболаримиз, қизларни жамият танасида оқиб турган қонга қиёслашади. Негаки, қон қанчалик тоза ва соғлом бўлса, вужуд ҳам соғлом, баркамол бўлади. Бугун атрофимизда содир бўлаётган баъзи дилхираликлар, иллатлар қизларга, уларнинг тарбиясига лоқайд қараганимиз натижаси сифатида юз кўрсатмоқда. Айрим қизларимиз ўзларининг кимлигини, қай миллат фарзанди эканлигини унутиб қўяётган ҳоллар ҳам йўқ эмас.

Кўча айланасан,бозор кезасан, атрофни кузатасан, миллатимиз келажагини яратувчи айрим қизларнинг хулқи, юриш-туриши кишини ўйга толдиради. Орқаваротдан эшитган гаплар эмас, яқиндагина Отчопар бозорида ўзим кўриб, гувоҳ бўлган қуйидаги воқеалар менимча миллатпарвар ҳар бир инсонни ташвишлантиради. Бу бозор доимгидек арининг уясидек ғувиллайди. Олувчи ҳам, сотувчи ҳам кўп. Ҳали бозор дарвозасига етмасингданоқ, ёши ўн бешга тўлиб-тўлмаган қизалоқ харидор чақиради. «Кеп қолинг, об қолинг, сомсанинг додаси бизда. Тўра йигитлар ейдиган, қўчқор гўштли сомса... Ҳамроҳимдан уялиб ерга қарайман, қиз эса овозини баралла қўйиб, молини мақтайди. Хўш, бу қизни бозорга етаклаб чиққан нима? Пулми? Манфаатми ва ёким зарурият?! Хаёлимда чарх уради шу фикрлар. Бозор эса ўз йўлида, ўз гирдобида давом этади. Сотувчиларнинг 70 фоизи аёллар, қизлар...

Қопу сумка кўтарганлар ҳам аксарият аёллар.

Ўйларимга ўралиб, яхшиликка умидвор бозор айланаман.

Кўҳликкина қиз сотаётган матога харидор бўламан. Худони ўртага солиб, асл мол, арзон, чидамли деб сотган кўйлакни озгина юрмасдан икки баробар арзон нархда кўриб, бўларим бўлди. Мулойимгина кўринган қиздан хафа бўлдим. Унга ким ўргатди ёлғон гапиришни, усталик билан одамларнинг пулини шилишни?

Юрагим зирқираб яна бозор айланаман.

— Қанақа отасиз, битта кўйлакни олишга қурбингиз етмаса,— таниш овоз келган томонга қарайман. Қўшнимизнинг «эркатой» қизи. Ота хижолатда сотувчига юзланади.

—Бундоқ елкалари ёпиғроғи, ўзбекчиликка тўғри келадигани йўқми?!

Сотувчи аёл лаб буради.

—Замондан орқада қолибсиз, ака ёки тўғрисини айтаверинг, чўнтак кўтармайдими?!

Қўшним бир қалқиб тушди, олай деса, алламбало кўйлак. Бошқасига пули етмайди. Отасининг ўйланганини кўриб, қизининг жазаваси тутади. Қўшнини хижолатга қўймаслик учун секин орқага чекинаман... Кўз олдимда катта бўлган бу қизалоқни терс муомалага ўргатган, бачкана кийимларга ружу қўйишига сабабчи бўлган шу ота-она эмасми?! Бугун эса ўзи афсусланиб турибди.

Ҳар бир инсон бу ёруғ дунёда орзу-ҳаваслар билан яшайди. Фарзандларим, масалан, қизим оқила, иффатли, пазанда, бировнинг эшигига борганида раҳмат эшиттирадиган баркамол инсон бўлсин, дея ният қилади. Бунинг учун қизларимиз тарбияси ҳақида алоҳида бош қотирайлик. Муомалада, кийинишу юриш-туришда аввало ўзимиз намуна бўлайлик. Қуш уясида кўрганини қилади, деб бежиз айтишмаган, ахир.

**Амина ҚОДИРОВА.**



## ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ



## БИР ҲОВУЧ ГАВҲАР

Биродарингга табассум қилишинг сен учун садақадир.

* * *

Йўлда ётган нарсани четга олиб қўйишинг ҳам сен учун садақадир.

* * *

Луқмони Ҳакимдан: «Сенинг жуда гўзал аҳлоқинг бор. Бу қадар ҳикматни, бу қадар аҳлоқни кимдан ўргандинг?» деб сўрасалар, «Ёмонлардан ўргандим!», деган экан.

* * *

Бошқалар бировларнинг айби билан машғул бўлишни севишади, сен эса, ўз айбинг билан машғул бўл!

## ҚОМУСИЙ НАШР

*Кенг билимлар мажмуаси ҳисобланган «Энциклопедия» сўзи дастлаб қадимги юнонларда пайдо бўлган. Бу ибора «билимлар тўплами», кишиларни тарбиялаш учун зарур бўлган «билимларга ўргатиш» маъноларини англатган.*

*«Энциклопедия» сўзи фақат XVII асрдан бошлаб фаннинг бир ёки бир неча соҳалари бўйича илмий маълумотларни тизимга солган ҳолда баён этувчи ишларнинг номи маъносида қўлланиладиган бўлди.*

*Энциклопедиянинг ҳақиқий тарихи XVIII асрнинг ўрталаридан Францияда 35 жилдли «Энциклопедия ёки фан, санъат ва касбҳунарларнинг изоҳли луғати» нинг чоп этилиши билан бошланди. Бу ишга буюк француз мутафаккирлари Д. Дидро ва Ж.Аламбер бошчилик қилишди.*

*Француз энциклопедияси турли мамлакатларда нашр этилган қомусий китоблар учун намуна бўлиб хизмат қилди. Шу тариқа универсал ва соҳа энциклопедиялари нашр этила бошланди.*

*Катта энциклопедия ва бошқа энциклопедик нашрларнинг тажрибасига таянган ҳолда Ўзбекистонда ҳам Қомус яратишга киришилди. 1968 йил январ ойида Ўзбекистон энциклопедияси бош таҳририяти ташкил этилди. Ана шу бош таҳририят негизида 1997 йилда Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти тузилди. Қисқа вақт ичида бизнинг миллий энциклопедиямизнинг икки жилдлик нашри босмадан чиқди.*

## НОЁБ ХОТИРА

Япониянинг «Иомиури Симбун» газетаси таҳририятида Иокогама шаҳрида яшовчи 46 ёшли Хидеаки Томойори деган кишининг нодир хотираси намойиш қилинди. У «пи» сонини вергулдан кейинги 15151 рақамига қадар ёддан айтиб берди.

Одатдаги ҳисоб ишларида «пи» сонини қўллаш учун вергулдан кейинги учтўртта рақамдан фойдаланишнинг ўзи кифоя қилади. Бироқ, ЭҲМларда уларнинг имкониятларини аниқлаш мақсадида бу чексиз соннинг кўп минглаб ўнлик рақамлари ҳисоблаб чиқилган.

Ноёб хотира намойиши бор-йўғи 3 соату 10 дақиқа давом этди. Томойори рақамларни мингтадан бир гуруҳ қилиб айтар, кейин икки дақиқадан дам оларди. У фақат охирида бир марта жиндек тутилди. 10461-рақамини эсломай, бир неча сония туриб қолди. Томошабинлар айтилаётган рақамларни компьютер бўйича кузатиб турдилар.

***Бухорода давом этаётган республика талаба-ёшларининг анъанавий иккинчи Универсиада баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди. Айни пайтда бир неча спорт турлари бўйича ғолиб ва совриндор жамоалар номи маълум бўлди.***

# ҲОЗИРЧА ТОШКЕНТЛИКЛАР ПЕШҚАДАМ

**«Универсиада-2002»**

Хусусан, енгил атлетика, сузиш, миллий ва белбоғли кураш, дзюдо, стол тенниси бўйича мусобақалар ўз якунига етди. Умумжамоа ҳисобида ҳозирча таркибини Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабалари ташкил қилувчи «Тошкент-1» жамоаси пешқадамлик қилмоқда. Мезбонлар тошкентликлардан бироз ортда қолмоқда. Учинчи ўринни эса самарқандликлар эгаллаб туришибди.

Бухоро шаҳридаги ёзги амфитеатрда ўтказилган миллий кураш беллашувларининг 60 килограмм вазнидаги полвонлар ўртасида бухоролик Ўткир Эгамов Тошкент шаҳри вакили Шерзод Раҳмонов устидан ғалаба қозониб, олтин медалга сазовор бўлди. 66 килограммгача бўлган баҳсларнинг финалида сурхондарёлик Тўрабой Ўтаев ҳамда пойтахтлик Темир Аҳмедовлар беллашдилар. Рақибига нисбатан маҳоратлироқ саналган сурхондарёлик полвон чемпионликни қўлга киритди. 81 килограммгача бўлган вазн тоифасида кураш олиб борган Фарҳод Тўраев ниҳоят, Тошкент шаҳри жамоасига олтин медални тuҳфа этди. У ҳал қилувчи беллашувда қашқадарёлик таниқли курашчи Исоқ полвонни мағлуб этди. Жаҳон чемпионлари Шуҳрат Хўжаев ва Камол Муродов(100 килограммгача вазнда)лар ўртасидаги беллашув кескинлиги, муросасизлиги билан кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Ш.Хўжаев рақибини енгиб, мезбонлар жамғармасига яна бир олтин медални келтирди.

Жондор тумани ўйингоҳида бўлиб ўтган белбоғли кураш беллашувлари ҳам кўпчиликда зўр қизиқиш уйғотди. Мухлислар айниқса, Тошкент вилояти жамоаси вакиллари, уч ака-ука полвонлар — Ислом, Умар ва Усмон Муҳамедовлар иштирокидаги баҳсларни катта олқишлар билан кузатдилар. Умар финалда наманганлик машҳур полвон Мақсуд Холматовнинг елкасини ерга теккизди. Усмон Муҳамедов ҳамда Андижон кураш мактаби вакили Жаҳонгир Қамбаров ўртасидаги ғоят муросасиз курашларга бой бўлган беллашувда кичик фарқ билан андижонлик полвоннинг қўли баланд келди. Кенжа полвон Ислом эса мусобақанинг бронза медали билан кифояланди. Шунингдек, Г.Ҳакимов (Андижон, 55 кг), Т.Хусатдинов (Тошкент шаҳри, 60 кг), И.Эгамов (Андижон, 81 кг), К.Розиқов («Тошкент-1», ўта оғир вазн)лар ғолибликни қўлга киритишди.

«Универсиада-2002» мусобақаси дастурига киритилган дзю-до бўйича беллашувларда эса «Тошкент-1» жамоаси аъзолари пешқадамлик қилишди. Абдулла Тангриев ўта оғир вазн ғолиблиги ҳамда мутлоқ чемпионликни қўлга киритган бўлса, К.Муродов (100 кг), Л.Акбаров (90 кг), Ф.Тўраев (81 кг), И.Акбаров (73 кг)ларга ҳам омад кулиб боқди.

Сузиш, енгил атлетика мусобақаларида умумжамоа ҳисобида «Тошкент-1» жамоаси вакиллари шоҳсупага кўтарилди. Навоий, Андижон, Фарғона ва Самарқанд вилоятлари талаба-ёшлари эса кейинги ўринларга муносиб деб топилди.

«Нафис» спорт мажмуида ўтказилган стол тенниси мусобақалари ҳам ўз таркибига Саида Бурхонхўжаева, Манзура Иноятова, Александр Ким, Денис Баринов сингари кучли спортчиларни жамлаган «Тошкент-1» жамоаси зафар қучди. Андижонлик талабалар иккинчи, мезбон спортчилар эса учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Шоҳмот ўйинларида Наманган, Самарқанд, Бухоро ва «Тошкент-1» жамоалари ярим финалга йўл олишди. Эркаклар ва аёллар ўртасидаги қўл тўпи мусобақаларининг ҳал қилувчи баҳсларида эса «Тошкент-1» — «Тошкент-2», Бухоро — Наманган жамоалари куч синашадиган бўлишди.

Эркаклар ва аёллар ўртасидаги волейбол мусобақаларида Қорақалпоғистон, Андижон, Фарғона, Самарқанд, Наманган, Бухоро вилоятлари ҳамда «Тошкент-1» жамоалари 1/4 босқич йўлланмасига эга бўлишди.

«Универсиада-2002»нинг барча спорт турлари бўйича ғолиб ва совриндорлари бугун аниқланади.

**У.НАВРЎЗОВ,**
**«Ишонч» мухбири.**

## ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР БАЙРАМИ

*Андижонда республика санъат билим юртлари ёш истеъдодларининг Қори Ёқубов номидаги анъанавий танлови ниҳоясига етди.*

*417 нафар танлов қатнашчиси тўрт кун давомида рубоб, дутор, ғижжак ва доира чалишда ўз маҳоратларини намойиш этишди. Шунингдек, қатнашчилар катта ашула, бахшичилик, лапар ва миллий қўшиқлар жўр ижрочилигида ўз санъатларини намойиш этишди.*

*Ҳакамлар фикрича, танлов қатнашчиларининг маҳоратлари уч йил аввал ўтказилган республика кўригига нисбатан ўсганлиги намоён бўлди. Шундан ҳам кўриш мумкинки, уч йўналишда ўтказилган танловда биринчи ўринларни иккитадан номзод эгаллади. 220 нафар қатнашчи эса диплом, фахрий ёрлиқ ва совғалар билан тақдирланди.*

**«Туркистон-пресс»**

# УНИВЕРСИТЕТ, БАКАЛАВР ВА БУЮРТМАЧИ

Битирувчи талаба ёшларни ўз ихтисосликлари бўйича меҳнат қучоғига йўллашда Тошкент Давлат педагогика университетида яхши тажриба орттирилган. «2001-2002-ўқув йилида битирувчиларни ишга жойлаштириш муаммолари» деган мавзуда ўтказилган республика оммавий семинарининг айнан шу олий ўқув юртида уюштирилиши бежиз эмас.

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Ғуломов сўзга чиқиб, анжуман кун тартибига қўйилган масала долзарб эканлигини айтиб, маркетинг изланишлар негизида кадрлар тайёрлаш ҳамда уларни ишга режали асосда жойлаштириш ҳақида батафсил гапирди.

Анжуманда «Тошкент педагогика университетида битирувчи бакалаврларни ишга жойлаштириш тажрибасидан», «Олий ўқув юртининг меҳнат жамоалари билан ҳамкорлиги» каби мавзуларда маърузалар ҳам тингланди.

Пировардида «Университет, бакалавр ва буюртмачи» деган уч томонлама шартномалар имзоланди.

**А.АЛИЕВ.**

# КУТИЛМАГАН НАТИЖА: ЧЕМПИОН — МАҒЛУБ!

Жаҳон чемпионати баҳсларини майдон эгалари ёхуд амалдаги чемпион жамоа бошлаб бериши анъанага айлангандан буён аксарият ҳолларда футбол мухлислари бир нарсанинг гувоҳи бўладилар: ё ўйинда дарвозалар даҳлсиз қолади, ё жуда кичик ҳисоб қайд этилади.

Биз орзиқиб кутган XVII жаҳон чемпионати ҳам бундан мустасно эмас. Ҳар ҳолда биз анъана такрорланиши эҳтимолини назардан қочирмаган эсак-да, охир оқибат якуний натижа бундай бўлишини сира кутмаган эдик. «А» гуруҳига кирган жамоалар ичида энг кучсизи сифатида тилга олинаётган Сенегал футболчилари шов-шувли ғалабага эришдилар. Чемпионатнинг биринчи сонли учрашувида Африка қитъаси вакиллари ўттизинчи дақиқада Франция дарвозасига тўп киритиб, ФИФА рейтингида ҳам карвонбошилик қилаётган, муҳими чемпионликни ўз қўлида сақлаб қолишига бўлган интилишини яширмаётган ниҳоятда кучли жамоани таслим этдилар.

Бунақаси аввал бир марта бўлган, яъни амалдаги чемпион биринчи учрашувни ютқазганига биз бундан 12 йил муқаддам Италияда ўтказилган чемпионатда гувоҳ бўлгандик. Ўшанда Аргентина термаси Камерундан мағлубиятга учраган эди.

Мана ниҳоят, шундай ҳол яна юз берди. Эҳтимол, жароҳати туфайли машҳур футболчи Зидан майдонга тушолмаганлиги учун чемпион ўйинни бой бергандир? Билмадик, ҳар ҳолда бундан буён французларга осон бўлмаслиги аниқ. Чунки энди улар Уругвай ва Дания терма командаларини албатта мағлуб этишлари шарт. Акс ҳолда гуруҳ баҳсларидан кейиноқ Европага қайтишга мажбур бўлишлари ҳеч гап эмас.

Бугун эса айнан шу икки жамоа — Уругвай ва Дания орани очди қилиш учун майдонга чиқади. Французлар учун энг қулай натижа, бу — дуранг. Лекин майдон текис, тўп думалоқ. Қандай ҳисоб қайд этилишини вақт кўрсатади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 24.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 512. 1 2 3 4 5 6